

Миллий тикланиш



Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1999 йил, 9 феврал

6 (179) - сон

Мухлисона

МИЛЛИЙ МУҲАББАТ ТУЙГУСИ: У НИМА?

«Миллий тикланиш» газетасининг мазмундор чиқишларга бой саҳифаларида материаллар, очкич, камда бир бадиий асар ўқиган киб диққатингни тортади. Фикрингни чарқлайди. Хуллас, уларнинг таъсирида ҳаётда ҳам фолорук бўласан киши. «МТ»нинг 5 январь сонидан эълон қилинган «Миллий муҳаббат туйғуси: у нима?» сарлавҳаси остида газетковларга берилган саволларда ҳам мулоҳаза орқали миллий ўзлигини англашга нури изланишлар бор. Ушбу бизга манзур саволларга жавоб йўлламоқдамки, бундай мақтулар оқими баланд, демак, суҳбат давраси кенг деб ўйлайман.

1. Менимча, миллий фахр туйғуси муррак қалбда у атроф-муҳитни идрок эта бошлаганидан пайдо бўлади. Бу туйғуни она алласи-ю, кийинки, муомаласи, атрофдаги ҳодисалар, яшаш тарзи уйғотади.

Миллий нафосият эса фикримча кейинроқ пайдо бўлади. У болада ўз миллий қарашларидан бошқача муҳит билан дуч келганда билинади. Миллий фахр туйғуси кимда кучли бўлса, шу одамда миллий нафосият туйғуси ҳам кучлидир.

Ёшлик йилларимизда миллийлигимиз каттагон қилинганини сезмаган ҳам эканмиз, лекин ойнаи этак билан ёпиб бўлмаганидек, кейинкейин англай бошладик. Собик совет даврида Армия сафида хизмат қилаётган пайтимида миллий нафосиятга тегишгани учун ҳатто горнизон партия ташкилоти умумий йиғилишида сўзга чиқиб, бу хол нимага олиб келиши ҳақида гапирганидим.

2. Ватан, миллат эркини миллий ватанпарварлик туйғуси асради. Ана шу туйғу кимда кучли бўлса, шу одам Ватан ва миллат шаънини ҳар қандай шароитда ҳимоя қилади. Керак бўлса, жонини ҳам беради.

Миллий онги паст, милла ва Ватан қадр-қимматини англаб етмаган бадавас одамлар миллат, Ватан эрига хоҳлаган вақтида дарз етказишади. Бу ўйрилик, пораўрилик, бошқалар ҳуқуқини поймол қилиш, мансабпарастлик, фириорбарлик, қолаверса, Ватан раванки йўлида ўз имконияти даражасида фойдали иш қилмасликда намоён бўлади. Шу маънода ватанпарварлик тарбиясини қўчайтириш, қонунчиликни муостаҳкамлаш керак. Аммо баъзан қонунни ҳимоя қилувчиларнинг ўзлари томонидан ҳам қонунга хилоф иш туттаётгани жамиятимизга шу жумладан, миллатимизга катта зиён етказмоқда. Шунинг учун ҳам тўлалигича қонун ҳамма учун баробар бўладиган шароит, тафаккуримизда да шунга қўниқма уйғониши зарур.

3. Миллий масъулият тушунишнинг мазмун-моҳияти ҳар бир фуқаронинг миллат, Ватан, манфаатини қай даражада ҳисобга олиб ҳаёт кечиршида деб ўйлайман. Кимда-ким эгалаб турган лавозимидан қатъий назар, ўз шахсиятини миллат, Ватан қадридан устун қўяр экан, унда миллий масъулият сусаяди. Шу ўринда давлатимиз рамзларига муносабат ҳам миллий масъулиятга боғлиқ демократикан. Миллатимизни, азиз Ватанамизни жон-дилдан севувчи кишигизга давлатимиз мадҳияси, байроғи, тамғаси ва юртбошимизга ҳоксак ҳурматда бўлади. Мен давлатимиз байроғи ва тамғасининг тўғри келган-келмаган ҳолига тўғри қарашимизни бу рамзларга ҳурматсизлик деб ҳисоблайман.

4. Катталар газетаси ҳам болаларнинг миллий тарбиясида ихобий таъсир этолса, фойдалан холи бўлмайди.

5. Айб — дунёни тебратувчи, катта, куч, ду-

нега келган чақалоқнинг дастлаб кўрадиган олами — одами онадир, фарзанд унинг меҳр тарбияси билан ўсади. Демак, аёлнинг миллий гурури, ватанпарварлик туйғуси, маданияти, маънавий олами қай даражада бўлса, боланинг миллий онги ҳам деврли шу даража таъсирида бўлади.

6. Менга халқ оғзаки иходи йўналишидаги куй-қўшиқлар, айтимлар шунингдек, мақом маъқул. Хозирги даврда ёшлар, қўниқча катталар ҳам чет эл қўшиқларини (гарчанд уларни на қўни, на сўзини мутлақо тушунмаса ҳам) маҳлули бўлиб эшитиши, уларга жүр бўлиб, ҳавсиз ўйинларга тушиши дилимни ўртаб юборади. Бундан ташқари, одамларда кўриқинчи ва ҳавсиз кино-фильмлари томоша қилишга иштиёқ баланд. Бу маънавийтсизликдан, улар руҳиятининг қашшоқлигидан, албатта. **Миллий мусика санъатига муносабатнинг ёмонлиги миллий гурур ҳамда ватанпарварлик тарбиясига жуда ҳам монелик қилади.**

7. Ҳақиқатан ҳам «миллийлик» ва «муслмончилик» тушунчаларини ақсарият кишилар фарқловмайдилар. Ҳатто, Наврўз байрамини зиёлиларимиз муслмон байрами деб талқин этишларини ҳам эшитиб қоламиз гоҳо. Ҳар қандай урф-одат, анъана одамларнинг кундалик ҳаётида, маший турмушида ўзининг ёрқин ифодасини топаганидек, бизнинг қадим миллий қадриятларимиз исломий урф-одатлар ва анъаналар билан қоршиб кетган. Бу биринчидан, узок ўтмиш таъсири, иккинчидан, аввал чор ҳуқумати, кейин собик совет ҳуқумати истибоди даврида миллатимизни йўқ қилиш, уни ўз тарихидан ажратиб йўлида қилинган ҳаракатларнинг оқибатларидан бири деб ўйлайман.

Биз қадим миллий урф-одатларимиз, анъана ва маросимларимизни ўрганиш жараёнида ўтмиш тарихимизни биламиз ва қадр-қимматимизга эътиборини бўлиамиз.

Газета чиқишларида халқимизни маънавий қашшоқликка, руҳиятсизликка, насл-насабимизнинг бузилишига олиб келадиган, тараққийети-мизга тўсиқ бўлаётган ҳозирги баъзи ноҳозир урф-одатлар ва маросимларнинг моҳияти, зарари очиб берилса, нур устига нур бўлади. Халқимиз миллий туйғулар, миллий қадр-қиммат, миллий нафосиятнинг манманлик, кибр-ҳаво, нодронлик туғайли авж олган маросимчиликдан устун туришини англашга, миллий таррақийети йўлида хизмат қилишга ўтади.

8. Ичиш, чекиш, ахлоқий бузилиш бир сўз билан айтганда, ҳар қандай миллатни хона-вайрон қилади. Бир томондан одамлар анҳи да-ромдарларининг катта қисми шу мақсадда харажат қилинади, иккинчи томондан инсон соғлиғи йўқолади, кишининг эътибори қочади, руҳиятсизлик қуаяди. Насл-насаб бузилиб, жиноятлар қўлади. Аллоҳсизликка, маший бузуқликка, гийҳвандликка қарши ўт очиб ўчин, аслини олганда, миллий тарбияни янада ўрганиш керак. Имон тарбиясига эътиборни қўчайтириш ҳам муҳимдир. Ҳавсизлар, ароққўрлар, ўғирларнинг қонун асосида ошқора ҳазолаишлари, фикримча, сезилари фойда беради. Ниҳозки туғилиш миллатининг олдини олиш ўта зарур.

10. Раҳматли падари бузрукворим Қорабек ҳақларида хамиша яхши сўзлар эшитаман. Чунки у киши имомни, эътиқодли, ҳалол одам эдилар. Фарзандларга қўниқча ота-онасига қараб ҳам баҳр берилади. Бу жуда тўғри.

Раҳим МАҚСУДОВ,
Қизилтепа туман «Қизил тонг»
газетаси муҳаррири

9 феврал — Ҳазрат Навоий таваллуд кун



НАВОИЙ СОҒИНИЧИ

Сиймосидан бир кўнгил боқар,
Ўт олади юракда ранглар.
Узатишиб майи нобларни
Базм айлашур шеърый жаранглар.

Чинилар жим қуйлай бошлайди,
Жон-жонига қўйиб байтларни.
Бир нигоҳда келтиришдилар
Навоий яшаган пайтларни.

Қўрмоқдаман соғинганимни —
Қўзларимдан тўкилар руҳим.
Ҳайрат уфқин ёпишиб чўкди
Бир чеккага завқлар гуруҳим.

Мажнун бўлиб қўшил, эй кўнглим,
Шу кўйда юракнинг уриши.
«Созу суҳбат» давраси бўлғай
Чиниларнинг гул ўтириши...

УЗРО

ЯНГИ МАЪНО, ЯНГИ МАЗМУН

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг яқинда эълон қилинган «Туркистон» газетаси муҳбирининг саволларига жавобларида Ўзбекистон истиклолининг жонли жараёнлари, босиб ўтилаётган йўллардан чиқарилган сабоқ, хулосалар, Ватан, миллат, давлат, жамият тақдирини ўқиниб қилувчи аҳамиятга эга ҳодисалар ҳақида катта тажриба мактабидан келиб чиққан ҳолда сўз юритилади. Президент илгари айтган уй-мулоҳазаларини янада тўлдиради ва бойлатади. «Биз кишилар

дунёқарашини бошқариш фикридан йироқмиз, — дейди Президент, — балки биз одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз». Президентнинг бу чиқиши ўйлаш, фикрлаш, амалий ҳаракатларни белгиллашга чорлайди. Файласуф, сийёсатшунос Ибодулла Эргашевнинг мақоласи Президент фикрларининг таҳлилига бағишланади.

2-БЕТ

ИОРДАНИЯНИНГ ЯНГИ КИРОЛИ

Оммонда Иордания кироли Хусайн узок давом этган оғир касалиқдан сўнг оламдан кўз юмди. Шу муносабат билан Иорданияда 40 кўнилик мотам эълон қилинди. Иордания парламенти ҳар иккала палатасининг шошилинч мажлиси чакрилди. Марҳум киролининг тўнғич ўғли шаҳзода Абдулла бен Хусайн парламентада касамеъ қилди. Бугун кироли Хусайннинг дафн маросими бўлади. Оммонда дафн маросимида қатнашиш учун 40 дан ортиқ мамлакатларнинг давлат раҳбарлари, жумладан АҚШ Президенти Клинтон рафикаси Хиллари Клинтон билан бирга келди.

Кироли Хусайн Иордания тахтида 46 йилдан кўпроқ вақт ўттирди. У Яқин Шарқда тинчлик жараёнига жуда катта ҳисса қўшди. Уни беҳиз «Тинчлик жангчиси» деб атамас эдилар. Дафн маросими уч соат давом этади. Кироли Иордания хошимийлар даҳмасига қўйилади.

ИШҚИБОЗ ҲАР ҚАЧОН ИШҚИБОЗ-ДА!

Бундан 38 йил муқаддам Америка Президенти Жон Кеннеди Кубага қарши иқтисодий блокада чораларига имзо чеккан эди. Жон Кеннедининг ўзи Куба сизгаларини чекишга жуда ишқибоз эди. Шунинг учун декретта қўл қўйишдан олдин ўзи учун 2 мингта сизгара сотиб олиб, захира қилиб қўйишни буорган эди.

Ушандан буён мана қирқ йил ўтпти. Америкада эса Куба сизгаларини жуда яхши кўришади. Куба сизгаларини бу ерда бекиткича ҳар донасини 50 доллар бериб сотиб олишади.

Мексика ва Канадада контрабанда йўли билан келтириладиган Куба сизгаларини унчалик қиймат эмас. Лекин уларнинг 70 фоизи қалбаки бўлиб, банан апроқларига тамаки ва бошқа турли нарсалар қўшиб ўрланган бўлади.

Собик Иттифок тарқаб кетган, Куба тамаки сановати қаттиқ таназзулга учради. У ҳозир ўзини тикламоқда. 1997 йилда 100 миллион, 1998 йилда — 160 миллион сизгара тайёрланган бўлса, 1999 йилда 200 миллион дан сизгара чиқарилади. Кубаликлар Европа ва Хитой бозорини ўз сизгаларини билан эгаллашмоқчи.

БИР ШИНГИЛДАН...

● Хитойда 1999 йилда талаблар ҳаракатида қатнашганлиги учун 12 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган муҳолифатчи Сун Вэйжан муллатидан илгари озодликка чиқарилди.

● Филиппинда тинимсиз жазалар давом этмоқда. Мамлакат Жанубда 46 шахарни сув босди. 200 миң аҳолини қўришига тўғри келди. 11 киши ҳалок бўлди ва икки киши дарақсиз йўқолди.

● Машҳур иқтисодчи, Нобел мукофоти лауреати Василей Леонтев Но-Йоркда 93 ёшида вафот қилди. Леонтев 1931 йилда АҚШга муҳожир бўлиб кетган эди. У 44 йил Харвард университетиде дарс берди. Но-Йоркдаги иқтисодий таҳлил институтига раҳбарлик қилди. Леонтев режалаштириш ва олдиндан кўришининг янги иқтисодий таҳлилин ишлаб чиқарди. Кўп мамлакатларда унинг таҳлил усули муваффақият билан қўлланилмоқда.

ОИПА ФАЗИПАТИ

Юртимизда анъанавий ўтказилиб келинаётган «Энг намунали оила» кўрик-танлови бизга кўп қадриятларимизни, маънавий хотираларини эслатиди, уларни руҳиятимизда уйғотди, хонадонимизга қайта олиб кирди.

Уйчи тумани, «Файрат» қишлоғидаги 74 ёшли Мирзамаҳмуд Раҳимовлар оиласи мана уч йилдирки, ана шу кўрик-танловда туман миқёсида 1-ўринни олиб келади. Шириндан-шакар неваралар ардоғида меҳр кўри билан ўтирган Мирзамаҳмуд Раҳимовлар оиласи шундай дейдилар: «Гап ўрин олишда деб сира ўйламанг. Парвардигор инсонни ҳаммадан улуғ, азиз ва доғишманд қилиб яратган, у албатта шунга лойиқ бўлиши керак. Фарзандларимизнинг

руҳи соғлом, ўзи мард, ҳалол, виждонли бўлсин десак, бу фазилатлар бари оилада нисл отишини унутмайлик, аввало, ота-онанинг ўзида бу фазилатлар бўлсин. Тарбия қурганига тарбия бера олади. Ахир одам боласи онадан ёмон бўлиб туғилмайди. Кўнгил тозаллиги уйда саранжом-сарийшталлик ҳаммадан бурун ўзимизга керак». Чиндан ҳам, оиланинг фазйи унинг фазилатли кишиларидир.

«МТ» сайёр муҳбири Т. МАҚҚАМОВ фотопортражи



Обод хонадонларда

Оқиқ мулоқотлар

Юрт шоири Ойбек «тупроғида олтин гуллайди» деганида, бизнингча, узок йиллар давомида тушунилиб келинганидек, фақат пахта ҳақидагина сўз айтмаган. Бу заминнинг олтин гуллари турфа, зар гуналарани беҳад. Биз — шу юрт фарзандлари бебаҳо турупгимиз бағридаги ҳикматларни англаб, унинг қадрига етсак — боғбонлик қила билсак, у бизга муъжиза қонларини бахш этаяваради. Олтин аслида бойликка туташ ифода. Ўлкамизнинг хилма-хил ер ости ва ер усти бойлиқлари мустанқиллик йилларидан бошлаб мамлакатимиз ривожини, истикболи учун

етказиш талонларга асосланган бўлса, энди бу тарқатиш варақалари орқали амалга оширилди. Яъни бунда узилиш бўлмади — истемолчи ҳам, ташувчи ҳам нефт маҳсулотлари тарқатиш тақшилотининг назорати бўлди. Шунингдек, АЕҚШларда замонавий компютер тизимига тўла равишда ўтиш ҳам режалаштирилган.

Хориж инвестицияси таъсирисиз ишимизда янгилини ясашни тасаввур қилиш қийин, албатта. Шу маънода чет эл инвесторлари қачонки ҳамкорлик

ИБРАТ ЗАЙНИДДИНОВНИНГ ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН СУҲБАТИ

моддий бир манбага айланган — гулга кирди. Шулардан бири халқ ҳўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланган газ ва нефт саноати захираларидир. Бу соҳа тараққийети, шубҳасиз, унинг жаҳон талабига мос ишлаб чиқариш стандартлари, хизмат кўрсатиш қўламини билан боғлиқ кечади.

Ўзбекистон нефт ва газ саноати «Ўзбекнефтгаз» Миллий корпорациясининг «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компаниясига айлантирилганига икки ой бўлганига қарамай, тармоқ тақшилотларида сезиларли ишобий ўзгаришлар сезилмоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистлар билан ўтказилган матбуот конференциясида ушбу компания раиси Ибрат Анварович Зайниддинов янги номланганининг мазмун-моҳияти, мақсад ва режалар, Миллий холдинг компаниясининг бугунги фаолияти, ютуқ ва муаммолари хусусида тўхтади. «Тармоқда мулкчилик қўриқчилари унинг шаклини ўзгартириш — турли мулкчилик шакллари олиб кириш борасида дастлабки қадамлар қўйилмоқда, янги тизимга кўра ҳужжат ишларини тайёрлашга мутахассислар жалб қилинди. Бош холдинг компания акцияларини контрол пакетлари орқали, маъмур компаниялар эса турли корпоратив акцияларини контрол пакетлар орқали бошқариб туради. Хуллас, ишлаб чиқилган барча тадбирлар қонуний тарзда босқинча-босқинча амалга оширилади. Делик, аввалги тартибга кўра нефт маҳсулотларини истемолчиларга

натijasида юзага келади-ми мулкнинг шахсий иштирокчиси бўлсаларгина хорижий инвестицияларни олиб кириш ва тармоқ ривожланишига жалб қилиш мумкинлигини таъкидлаш жоиз.

Айни пайтда мамлакатимизга нефт ва нефт маҳсулотларини четдан импорт қилиш эҳтиёжи йўқ, бундай маҳсулотлар билан ўзимизни тўла таъминлаш ва экспорт қилиш имкониятига ҳам эгамиз.

Айни пайтда мамлакатимизга нефт ва нефт маҳсулотларини четдан импорт қилиш эҳтиёжи йўқ, бундай маҳсулотлар билан ўзимизни тўла таъминлаш ва экспорт қилиш имкониятига ҳам эгамиз.

Айни пайтда мамлакатимизга нефт ва нефт маҳсулотларини четдан импорт қилиш эҳтиёжи йўқ, бундай маҳсулотлар билан ўзимизни тўла таъминлаш ва экспорт қилиш имкониятига ҳам эгамиз.

Мулоқот чоғида журналистлар шу соҳага доир ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Дилором МАТҚАРИМОВА



Шарҳда қизлар шундай гурунг қилурлар...

Тургунбек Маҳмамов олган суратлар

Аҳли дониш ўғитлари

СУХБАТГА ЖОН БЕРГУВЧИ ХИСЛАТ

Даврада суҳбат қизгандан қизайди. Суҳбат мавзуси ўзгариб турибди. Қайси мавзуда суҳбатлашилса, ҳаминишлар ҳам бу борада ўзлари билган-кўрган воқеаларни айтиб, фикр билдиришляпти. Мусоҳибларнинг ёши ҳам, билими ва ҳаётга қараши, ақлу фаросатлари ҳам турлича: катта-кичиклик, узун-қалталик, кўп-нозлик, чукур-саёзлик, юқори-қуйиллик зухур бериб турибди.

Гап айлиниб келиб одамнинг хозир ўр-тача қанча умр қисқариб қолди, деди шунда бир ўрта яшар киши томдан тараша тушгандай дағалдан дағал гапирди: — Бундан беш-олти йил ол-тари одамнинг ўр-тача умри етмиш икки йил экан. Гап эриш-майшис-да, ўз кўзи билан ўқидим-ку! Олим одамлар ёган: фан-техниканинг ри-вожлангани ҳаётни жаа тезлаштириб юборди. Югур-югур, чоп-чоп, турли етишмовчи-ликлар, бақир-нақир-лар одамни руҳан чар-чатар экан. Оқибатда уларнинг асаби, юра-ги тез шиддан чиқиб, умри қисқараяпти эмиш. Олтишдан у ёри ҳолва экан-да энди, қисқаси... Эртага нима бўлишини бил-майсанам... Табба...

— Шу охири гапни-гизда қў-ўп маъно бор, иним, — деди кўпни кўрган бир ки-ши мулоим ва таро-ватли тилда. — Эртага нима бўлишимизни, бошимизга не иш ту-шшини ёлғиз Оллоҳ-дан ўзга ҳеч жон бил-майди. Хусусан, ким-

нинг қанча яшашини ҳам, ризқи тугагани кўни... Олимлик ҳам, аслан Тан-рига хос қобилиятдир... Саломат бўлсинлар, иним.

Унинг тили ва баён та-ври шунчалар ширин ва оханраболи эдики, фикр-лари барча хаминишга мойдай ёқди. Олимлар-дан сўз очган бояғи ки-ши эса бир қадар хижо-лат чекиб қолди. Бироқ адолат юзасидан айтган-да, уни айблашга ҳеч ким-нинг ҳақди йўқ. У ҳам ўзинча ҳақ. Чунки, у ўқи-миши одам. Кўп ўқиган — кўп нарсани билади ҳам. Журналда «катта олимлар» ёган бир га-ни у суҳбат мавзусига мо-нанд қилиб рўйи-рост га-пириб берди. Тамом. У хато иш қилгани йўқ...

Хўш, унда нега «хи-жолатли бўлиб қолди» де-ясиз? Чунки олимлар ху-лосасидан сўз очган ўша қишда фасоҳат кам эди. Шунинг учун ўзи ўқиган, билган, эхтимол, олим-ларнинг кўп йиллик таж-рибасидан тасдиғини то-пган маъруза турғи бир га-ни тўпори, «тиконли» қи-либ баён этди. Билмак, кейинги киши фасоҳатли — фасиҳ экан. Гап ёши вақидан (олтишдан ош-ган, ахир) ўзига бироз оғир ботди эхтимол. Шун-дай бўлса-да, фикрини шундай фасоҳат билан айтдики, мажлис аҳли у-нга салламо ўқиди. Агар у ҳам фасоҳатсиз бўлган-да, ширин даврада жан-жал қилиши мумкин эди.

ФАСИХЛИК — киши та-биятидаги энг нодир га-варлардан биридир. Фа-сиҳ одамнинг, аввало кў-нглида гидрилик, «бот-қоқ-ликлар бўлмайди. То-за кўнглидан эса жозиба-дор ва ёқимли сўз чиқа-ди. Хар сўзни тушунари-ли қилиб, очқ чехра ва ди-ловарлик билан тавсир-дан, гўзал баён этиш чи-накам фасиҳ қишигагина хос фазилатдир. Бундай ҳалим ва дилбар, ҳақиқат-гўй ва тили ширин инсо-ларни мазоқда ҳам, ҳо-зирида ҳам фасиҳ ул-баён дейдилар. Жайдари қи-либ айтганда, билган то-либ кўтарармиш. Кўёш жа-зирамаси заъбитдан банд-ларни чунонам чанқаран-ларки, бундан лоҳас бў-либ ётиб қолишаркан.

Раҳимжон МИРЗАКУЛОВ Бешарик

ТУПРОҚ ВА КИМЕ

низомики, навоки ва фарҳод

Низомий Ганжавий форс тилида «Хамса» яратиш билан ҳамсачилик ананасига асос солган.

Низомий изидан бориб «Хамса» ёзиш шoirларнинг истеъдод ва иқтидорини ўл-човчи синонга айланган эди. Бундай шараф XV асргача муъжизабён шoir Амир Хусрав Деҳлавийдан бошқа ҳеч кимга на-сиб этмади.

Аммо XV асрга келиб теурииларнинг гуллаб-яшнаган даврида, шеърят дунё-сида Абдураҳмон Жомий ва Низомиддин Амир Алишер Навоий ҳамсачилиқда қад кўтардилар.

Навоий биринчи бўлиб она тили — ўз-бек тилида «Хамса» яратди. Бу улун ният унга гойибдан келди ва гойибнинг ўзи уни ҳамма вақт қўллаб-қувватлади.

Сенга турк ақолимини айлаб ракам, Азалда насиб айлашни яққалам... Ки бу мулкоро қахрамон бўлгусен, Улуш ичра соҳибқирон бўлгусен...

Тарих ва миллатнинг ишонч шукҳуи унинг елкасига шундай улуг вазирамчи юк-лади. Навоий бу ишни жуда юксак дара-жада уқдалади. Биз ўшбу кичик мақола-мизда Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони билан Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достонини айрим соҳаларини солиштириб ўрганишга уринмиш.

Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» аса-ри 5782 байт, Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достони 6300 байтни ўз ичига олади. 140 бобдан таркиб тоилган. «Хусрав ва Ширин»да муқаддимадан ташқари боблар қисқача содда ибор-лар билан номланган. Масалан: «Тўғоншоҳ мактови ҳақида» еси «Чу-риларнинг эртақ айтишлари» каби.

53 мақолатдан таркиб тоилган На-воийнинг «Фарҳод ва Ширин» мақо-латлари мусажжаъ жумлалар билан номланади.

Низомий достонида асосий образ Хусрав Парвиз бўлиб, у достоннинг барча ҳодисалари марказида туради, унинг иродаси ҳодисаларга йўналиш беради. Хусрав Ширинга шайдо ва беқарор ошиқ бўлиб, Ширин ҳам унга кўнгул беради. Лекин бу севги эр-лиқдан эмас, агар сен ҳақиқий эркак бўлсанг, ўз истакларинг устидан галаба қозонгин дейди. Лекин шох ўз истакдан қайтмасдан уни бўйсиндирмоқчи бўлади ва унга ёпишиб олади. Ширин ўзини ун-гн чангаллидан базўр қутқазди.

Хусрав арзалаб кетиб, Баҳром Чўб-дан мағлуб бўлигандан кейин Румга бо-риб, Рум подшоҳи Кайсар кизи Марям билан турмуш қуради. Кейинроқ Исфа-хон шаҳрига Шакар номли бир гўзални кидириб боради ва неча кун машаққатдан кейин уни ҳам хотин қилиб олади.

Хусравнинг феъл-тавори Ширинга ҳам салбий таъсир ўтказди, у рашқу қизга-ни ўтида ёниб, Рум подшоҳининг кизи Марямни захарлантриб улдиради ва уни-гўлимидан хурсанд бўлади.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда Навоий ўз асарига Хусравнинг заиф томонлари-ни назарда тутиб, уни юксак даражада кў-тарган ҳамсачилирга танқидий назар би-лан қараб, бундай хулоса чиқаради:

Яқиндурки бу шоху мазгарвард Эрр дарду бало ойиниди фард.

Низомий асарига Фарҳод асосий ма-вжега эга эмас. У ҳодисалар майдонига та-содийлик тарзда қўриб келади, ўзининг чекланган ролини ўйнаб бўлгандан кейин, ушотирилган ҳийла асосида Ширин ва-фонгидан хабар топиб ҳаётдан қўз юмади. Унга тегишли можазлар анча қисқа баён этилган.

Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» до-стони ҳам тарихи ва ҳам ишқий можазла-ри, ҳам қахрамонлар олдига қўйилган ва-зифалар нуктаи назардан Низомий аса-ридан кескин фарқланади. Навоий «Фар-ход ва Ширин» достонини янги сюжет — янги воқеалар ва уларга тегишли бўлган янги муаммолар, ўзларига хос характери-га эга билан яратди ва драматик ҳодиса-лар билан яратди. У Фарҳодни ҳақиқий қахрамон даражасига кўтариб, ҳодисалар марказига қўяди.



Ҳазрат Навоий деган эдики...

Навоийда Фарҳод тасодифий шахс эмас, у Хитой ҳокимининг ўғли, боғалигидан бош-лаб унинг вужудига севги аломатлари кўри-на бошлайди.

Фарҳод туғилганиданок унинг ҳаёти ҳо-дисалар билан уланиб кетади, кўп аччиқ-чучуқларни тодиб ўсади. Юнонистонда қа-храмонлик ҳодисаларини босиб ўтгандан кейин сеҳрли кўзгуда арман гўзалини кўриб унга кўнгул беради, уни кидириб Шопур ёр-дамида Фарҳод кўрига етиб боради ва халк-нинг оғир аҳволини кўриб, тоғдан ариқ қа-зиб сув чиқариш учун уларга ёрдам беради.

Фарҳод Ширинни кўриши билан ўзидан кетади, шундай қилиб, ажойиб шукҳули бир ишқий можазо бошланади.

Хусрав Навоий асарига фаръий ролга эга. Унинг Ширинга севгиси юзаки бўлиб, сам-имият ва чинлиқдан узок. Навоий достоннинг 53 мақолатидан ўн биттасини Хусрав ва ун-гн ўғли Ширур можазларига бағишлайди ва бундай дейди:

Керак ишқ аҳли қул бўлмоқ бу сўзго Ки шахлиқ ўзго-у ошиқлик ўзго.

Навоий ўз асосидан фарқли уларок, ўзи-га хос услубда Фарҳод тимсолини тавсир-лайди, уни ўзига хос романтик ошқона ва ҳамосий (эпик) хусусиятлар билан жонлан-триб, ҳақиқий қахрамон сиймосини яратишга муваффақ бўлади. Профессор А. Хайитметов ва Эркин Содировлар ифодаси билан айта-

диган бўлсақ, Навоий тарихий манбалар ва қадимий эртакларга таянган ҳолда Фарҳод достонини бир манзум шеърый роман дара-жасига кўтара олган...

Хусрав Фарҳод билан учрашганда орала-рида бўлиб ўтган савол-жавоб ҳар иккала асарда ҳам ўта қизиқарили ўринга эга. Хар иккала шoir рақиблари тилга киритар экан-лар, бутун ижодий кучларини ишга солиди-лар. Низомий асарига Хусрав саволларига Фарҳоднинг жавоблари мантиқий, нишдор, айни ҳолда ошқоқроқ. Аммо Навоий аса-рида Хусравнинг хусуматли, дағдағдор савол-ларига Фарҳоднинг жавоблари жуда ўткир, кучли мантиққа эга. Улар катъийлик, му-росасизлик руҳи билан сўғорилган бўлиб, Ху-сравдек мутақаббир подшоҳга билдирилган муносиб жавобларидир. Улардан айрим байт-лари, Низомийда:

Нахустини бор гуфташ аз кужойи? Бигуфт аз дори-мулки ошноий!

Мазмуни: биринчи марта қандайдасан деб сўради, у ошнолик ўлкасиданман деб жавоб берди.

Деги: бу ўлкада нималар билан шу-гулланадилар?

Деги: кўнгул сотиб олиб, бу сотар-лар.

Деги: жон сотиш одобдан узок-қу?

Деги: бу иш ишқ аҳлидан ажабланар-ли эмас.

Деги: қачон кўнгулни унинг ишқидан бўшатасан?

Деги: фақат тупроқ қаърида ётқанда.

Деги: кўнгулдан Ширин ишқини узиб ташла!

Деги: ширин жонсиз қандай яшашим мумкин?

Деги: у менки бўлди, энди уни унут!

Деги: бу ишни бечора Фарҳод қачон қила олади?

Деги: қайдисен эй мажнуни гурмах?

Деги: мажнун ватандин қайда огах?

Деги: недур сенга оламда пеша?

Деги: ишқ ичра мажнулуқ ҳамеша!

Дедиким: куйганигни айла маълум.

Доктор Абдулҳаким ШАРҲӢ ЖУЗҶОНИЙ



Бу тераклар уй қуришда хўп асқотдаи ҳали...

МИЛЛИЙ ТАСНИФ ЯХШИМИ ЁКИ ЎЗГА?

Мақоламини ўқиб ўз фир-мулоҳазалари билан ўр-тоқлашган касбдош дўстим Жўра Худойбердиевга мин-натдорчилик билдириб, унинг икки эътирозини:

1. Маҳмуд Қошғарий дав-рида туркий тил қоидала-ри шаклланмаганлиги;
2. Сингармонизм масаласига оид ўз фикримни билдир-моқчиман. Мен яна қайта-раман, ўн биринчи асрда туркий тил қоидалари ша-кланмаган эди. Исобт учун ўнлаб мисол келтиришим мумкин эди, аммо газета саҳифасини ҳисобга олиб бир мисол билан чеклана-

ман. «Девону лугат-ит тур-кида нечта уни, нечта ун-дош борлиғи ҳақида хануз баҳслар юради. Айримлар бу даврда э товуши бор деса-лар, бошқалари йўқ дейди-лар. Худди шу фикрни ун-дошлар тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Модомки ўн бирин-чи аср туркий алифбоси ҳа-қида аниқ маълумотга эга эмас эканмиш, қандай қилиб бу даврда туркий тил қоида-лари шаклланган бўлади?!

2. Сингармонизм масала-си. Сингармонизм унлилар уйғунлиғи демек. Бу ҳонун тилда жуфт унлилар бўлиш-лигини тақозо қилади: яъни

иккита а, иккита и, иккита у, иккита ў, иккита э. Бу қоида тарафдорлари бўйича улар-дан бири тилиннг олди, ик-кинчиси тилиннг орқаси би-лар талаффуз қилинади. Аф-суски, бу ҳодиса туркий тил-да йўқ, чунки унли товушлар-ни талаффуз қилишда тил иштирок этмайди. Шу вақт-гача бирор олим туркий тил-да иккита а фонемаси бор-лигини исботлай олмаган. Агар мазоияга қараб иш кў-рилса, на Маҳмуд Қошғарий, на Хўсайн Бойқаро фармони билан Алишер Навоий асар-ларига лугат тузган Толе Ҳи-равий, а

Мустақил фикрлайлик

Шу йил 10 майда Турон ўлкасининг буюк ёдгорлиғи бўлган Биҳоним масжидига тамал тоши қўйилганлиги роппа-росса олти юз йил тўлади. Ўз вақтида дунёдаги энг катта намозгоҳ бўлиши керак бўлган ушбу ёдгорлик қури-лишига шахсан Амир Теуур раҳнамолик қилган. У сафарга кетган чоғида қурилишга малика Биҳоним — Сарой Му-лк хоним бош бўлган. Бу улкан масжиднинг қурилиши Теуурнинг Ҳиндистонни фатҳ этиши билан боғлиқ. У Ҳинд ўлкасини энгиб, минг уч юз тўқсон тўққизинчи йилнинг йигирма тўққи-зинчи апрел куни Самарқанд тупроғига қадам қўяди. Ун икки кундан сўнг, яъни рамазон ойи-нинг тўртинчи яшанба куни ўнчинчи майда гоилибликни мадҳ этувчи Биҳоним масжидига биринчи тош қўйилди. Ушбу ёдгорликнинг маҳобати, уни қуришда қатнашган ус-талар қурилиш жараёни ҳақида Муҳаммад Али ибн Дар-веш Али Бухорийнинг Кўчинчиҳон фармонига кўра 1519 йилда таржима қилingan «Зафарнома» китобида қуйидаги-ларни ўқиб мумкин:

МИПАТ САВЛАТИ

ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОН МАСЖИДИ ЖУМА ИМОРАТИНИ СА-МАРҚАНДА БУНЁД ҚИЛГОНИ

Сўғибқиронни таъсиротини Ҳиндустон вилоятига киргонда қи-филар билан урушуб, бутларни сундуруб, оташқадаларни бузуб юрур эрди. Ул маҳалда ният қилдиким, «Мундин са-ломат қайтиб Самарқандга борсам, анда масжиди жумъа сол-к қилдиким». Бас, чун нусрат ва саодат била қайтиб Самарқанд-да тушти, ҳукм қилдиким, масжиди жумъани бунёд қилди-лар.

Ишқанба куни, рамазон ойининг тўртинчи тарих саккиз юз бирда, товушкон йилда (10.05.1399) йахши соатда ус-тодлар тарх солдилар. Сантгарошлар Форс ва Озарбойжон ва Ҳиндустондин келтуруб эрдилар, икки юз устодлар ишга машғул бўлуб, беш юз киши тоғқа бориб, тош кесмакка

на буюк лугатшунос Мирза Муҳаммад Маҳдихон ва бош-қа лугатчилик туркий тилда иккита мустақил а фонемаси борлиғи ҳақида маълумот бе-раддилар. Худди шу фикрни бошқа унлилар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Иккита муста-қил а фонемаси бор дейишлик қадимгўй ҳамма мумтоз лугат маълумотлари-ни инкор қилиш демек. Энди масалани миллий томони-га эътибор берайлик. Бундан етти-саккиз юз йил олгари гўрлари нурга тўлғур дониш-манд баболаримиз хар бир унлини талаффузидан қилиб чиқиб, а

машғул бўдилар. Хар ердиким, метъорлар ва ҳунарма-ндлар бор эрди, барча анда келиб ишга машғул бўлди-лар. Тош келтурум учун тўқсон беш зинда пилким, Ҳин-дустондин Самарқандга келтуруб эрдилар, ишга машғул қилдиларким, тош келтуруб эрдилар. Ва хар иш бошида бир шахзода била бир бекни муҳасил қўйди.

Ва бу маҳалда амирзода Муҳаммад Султонким, мўғул сарҳадида ултуруб эрди, еттишти. Туман оғонинг хонақо-ҳида соҳибқиронни қурунуш қилиб, муборак жомалидин қўзини йаруқ этди. Ҳазрат шахзода билан кўрушуб, йахши сўруб, марҳаматлар қилди.

Соҳибқирон фўят иҳтимоимидинки, масжид ишда таъал-лул бўлмағай, ўзи хар кун келиб, ишлагонлар таъала туруб, иҳтимоим қилур эрди. Ва сўруб эрди. Масжиди жумъа-да тўрт юз саксон устуи тошдин йасаб хар бирининг узун-лиғи етти қари эрди, қўйуб йасадилар. Ва сакфини тош-дин ясадилар ва тўрт эндида тўрт минора йасадилар. Мас-жид туғулгандан сўнг Дилқоз боғига бориб тўйлар берди. Устакорларга тўнлар кидуруб, отлар миндурди».

Нашрга тайёрловчи Эргаш УМАРОВ



бинлардан қарсақлар оляпти. — «Менинг устозим, Ўзбекистон халқ пахлавони Лоҳин Усмонов. Ўзбекистонда биринчи бўлиб машинани мен кўтардим. 35 йил мунтазам тош кўтардим. Ҳозир 55 ёшдаман, бир қўлим ва бир оёғим яхши ишламайди. Шунга қарамай, мана 40 йилдики, ота касб фокусчидан. 1962 йилдан бери Тошкент халқига ўзимнинг чиқишларим билан хизмат кўрсатиб келмоқдам. Мен отамнинг 90 ёшида кўрган яқою-ёлғиз фарзандиман. Отам Исоқжон табаррук 112 ёшда қаза қилдилар. Ул зот «Исоқжон бола», — деб ном

СЕҲРЛИ ҚЎЛЛАР

Тўрт тоғнинг ораси, икки сувнинг қўшилиши, ҳазрати Шоҳимардондек қадамжони, табаррук макони ким билмайди дейсиз. Ушбу сўлим маконда туғилиб воғая етган Тўқсонбой полвон Холқов ани кўнларда пойтахтимиз меҳмони. Чорсу бозоридидаги очик майдонда, дор остида Ўзбекистон Халқ пахлавони Анваржон полвон Мўйдинов бошчилигидаги жамоа билан ҳамкорлик қилиб, ўзининг ҳазилу хангомалари, қизиқ фокуслари, илон, жўжа, хўроз халқа, соққалар ила кўрсатадиган аҳолий чиқишлари билан элу юрт дилини яйратмоқда. Унинг абжир ҳаракати, маҳорати ва асосийси 40 йиллик ҳаётги тажрибага эгаллиги боис ҳам томоша-

қозонган эдилар. Бир пайтлар Тошкент ширкида Тошкенбоев билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишган. Уйин тушишга уста бўлган отам тоғора билан ўйин кўрсатар, энгашиб белига тоғорани кўра ва аста-секин бошига олиб чиқар, яна моҳирлик билан белига қайтариб туширар эдилар. Мен диққат билан мароқ-ла бир неча бор Тўқсон полвоннинг чиқишини кузатдим. Унинг ҳазил ўйинларини кўриб хузур қилдим. Дилим қувнади. Гаму ташвишлардан холи бўлгандек, борлиқни унутгандек гўё... Унинг сеҳрли қўллари шундай абжирлик билан ҳаракат қилар эдики, бунда резина илон ҳам гўёки жонлик туюларди. Бир пиёла остида-

сўмдан пулни резина ёрдамида боғлаб қўяди. Икки бола қўлини орқага қилган холда сакраб бир-бирини пешонасидаги пулни лаби билан олмаққа интиладилар. «Ютқ — 200 сўм!» — деб эълон қилади Тўқсон полвон кулиб. Болаларнинг «дикир-дикир» сакрашини кўрган томошабинлар завқланиб, кўтиб-қотиб куладилар. У кишининг яна бир чиқиши завқли. Қоғозни йиртиб, еб юборди ва оғиздан бир неча метрли лента қилиб чиқаради.

Мўъжизакорлар

Хуллас, Тўқсон полвоннинг ҳар бир чиқиши томошабинларнинг гўлдурос қарсақларига сабабчи бўлади. Ул зотнинг чакчон ҳаракати, гагга чечанлиги одамларга ёқди. Болалар унинг чиқишини интизорлик билан кўтишади. Хўроз ва жўжа, қулоқ тазалаш каби турфа хил ўйинларда иштираб этмоқ учун таллашиб тортишадилар. Сеҳрли қўллар соҳиби Тўқсон полвонга узоқ умр, тансихатлик тилайман. Доимо элу юрт бахтига саломат бўлинг.

Эркинжон ҲАЁНБЎЙ ўғли
ФИДОЙИ



Аркон ютган одамнинг ҳолини кўрганмисиз?

СОАТНИНГ АСЛ ВАТАНИ ҚАЕР — ЕВРОПАМИ ЁКИ ОСИЁ?

Ушбу муаммо билан шуғулланган тадқиқотчилар яқин-яқингача ўз фикрларидега собит эдилар. Деярли бир овоздан «Тебранна калгирга ва тишли гилдиракларга эга дастлабки механик соатлар Европада яратилган», деган ғояни олға суриб келишарди. Қарангки, бугунга келиб қачонки хулосаларидан воз кечिशга мажбур бўлмоқдалар. Сабаби — бундай соатлар ил бор Европада эмас, Хитойда ихтиро қилинган экан. Яна денг, уларнинг «таваллуҳ» санаси ҳам икки асра олдинроққа, аниқро-

ажабмас. Уни мижористонлик уста Томаши ясаган. Соатнинг ишлаш тартиби куйидагича бўлган: таглиги бир ҳовч милтиқдори (порох) солинган. Сўнгра кўнғирок мили вазифасини ўтовчи болгача зарур вақтта тўриллаб қўйилган. Соатни кўрсатадиган мила болгача тегиши биланок, у ҳаракатга келиб, милтиқдорини ўт олдирган. Шу лаҳза қулоқни қоматга келтирувчи портлаш рўй бериб, ноз уйида ётган соат эгасини юғайта юборган.

НОН-СОАТ

Германиянинг Гере шаҳрида девор соатларининг гот абажотури бир нуҳаси сақланади. Унинг жамики катта-кичик муратлари фақат... ҳеч қачон ажабланманг, нондан ясалган. Шунга қарамай,

СОАТЛАР ТАРИХИДАН

ги, 1088 (айрим ҳужжатларга қараганда, 725) йилга бориб тақалар экан. Бу ҳақдаги маълумотлар XI асрда яшаган хитойлик фалакиёт-шунос олим Су Сунг қаламига мансуб китобда тилга олинган.

ОЛОВ-СОАТ

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бир замонлар Чин мамлакатидега шунақа соатлар ҳам бўлган. Уларнинг вақтни кўрсатувчи миллари бўлакларга ажратилган шамлардан иборат бўлиб, бир маромда ёнадиган бирикмадан тайёрланган. Пилигиз эса, хушбўй гилёлар аралашмаси қўйилган. Шу боис ҳар соатда ўзидан ёқимили ҳид таратиб турган. Одамлар ҳидни сезишлари биланок соатга қараганлар ва вақтни аниқлашганлар.

МИЛТИҚДОРИЛИ СОАТ

Ҳозир кўпчилигимизга ниҳоятда гаироддий ва бир оз хавфлик туюладиган бу соат ўз даври учун катта янгилик ҳисобланган бўлса,

капгири 75 йилдан буюн бир маромда тебранди, миллари вақтни ҳатто сониясигача аниқ кўрсатиб келади. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, мабодо, бирор ашаддий ишқибоз ёки нафси очроқ одам еб қўймаса, нон-соат яна қайда 75 йил бениқсон ишлаши тайин.

ТИЛЛАДАН ЯСАЛГАН КАПИР

Шу вақтгача яратилган соатлар капгиридан энг қимматбахоси олтидан тайёрлангандир. Унинг «дунёга келиши»га Д. И. Менделеев сабабчи бўлган: мажхур олим бир тажриба ўтказаетганида оғир вазели соат капгири зарур бўлиб қолади. Шунга қўра, у капгири соф тилладан тайёрлашлари учун буюртма беради...

ШИФОКОР МИЛИ

Сонияларни кўрсатувчи милли соат асосчи устодлар эмас, англиялик илмий шифокор Жон Флуэр яратган. Бу ихтиро унга вақтни билиш учун эмас, аслида инсон томирининг уришини тадқиқ қилишда асосланди.

Қизиққанга кенг дунё!

АЛОҚА ХИЗМАТИ ТАРИХИДАН

Уйларга тартиб рақами бериш илк бор XVIII асрда Буюк Британия пойтахти Лондонда жорий этилган. Бундан кўнларанг асосий мақсад хатларни етказиб бериш борасидеги мушқулларни энгиллаштириш ва англашувчиликларни бартараф этиш бўлган.

Индонезиянинг Пален ва Ниде ороллари аҳолиси бир-бирлари билан хат олиб-хат беришда почтачилар хизматидан фойдаланишмайди. Негаки, иккала орол уртасида ҳафтада бор-йўғи бир марта ке-

ма катнади. Шунга қарамай, маҳаллий аҳоли ўзаро алоқанинг энг қулай, энг арзон ҳамда энг антиқа йўлини топишган. Улар хат-хабарларни ишлаш идишларга солиб, денгизга ташлашарди. Зеро, сув бу оролларни халқа шаклида ураб туради. Ичига хат солинган ишла ролпа-роса 24 соатда жўнатишган маъназилга етиб боради.

Туркистон ўлкасида ўтган асрнинг ўрталарига қадар махсус почта хизмати йўлга қўйилмаганди. Тошкентга ва Урта Осийнинг бошқа шаҳарларига жўнатишган хатлар ўз даврига

хос алоқа воситаси — қарвонлар, шаҳар-музофотлараро кезувчи савдогарлар ва йўловчилар орқали бериб юбориларди. Подшоҳлик пуллари эса, Туркистон сари йўл тутган азбитлар қўмағида олиб келинган.

Чор Россияси юртимизни босиб олган, 1867 йили Тошкент шаҳридаги қоманданлик бошқармаси қошида илк почта бўлими ташкил этилади. 1868 йил 29 февралда эса, биринчи тоифадаги Тошкент почта-телеграф идораси очилади.

1873 йили Тошкентни Жанубий Си-бир орқали Россия билан боғловчи те-

Улиқлар тириладими? Бизнинг маърифатли асримизда бу жон бағилловчи (реаниматор) ҳажимлар ёки Таоврт ривоятларининг соҳибқароматлари томонидан амагга оширил-лиш мумкин.

«Ёрда ётган одамда ҳаёт аломати кўринмасди. Мен унинг танасида эски жароҳатдан бошқа ҳеч қандай қийноғу хабр изларини пайқамадим. Унинг тергасида яланғоч занжирлар тўдаси турарди. Бир мейёрдаги овозлар шовқини эшитилар, маросимга ҳозирлик кўридилар. Улар орасида маросимнинг бош роҳиб бўлиши чол бор эди. Мен мўйсафидга му-рожаат қилиб, ётган одамнинг ўлганлиги ишон ҳосил қилишим учун ҳа-ким сифатида уни қўздан кеңири-шимни айтдим. Марҳумнинг қабри-ни кўтариб, қорачиқдаги ўзарошиши текширдим. Шунда жиндак таъсир-ланишни ҳам илғаб бўлмади, юраги ур-масди ва ҳаётнинг бошқа аломатлари ҳам сезилмасди... Марҳумни ўн уч кишидан иборат

мўлжалланган қўрбоннинг оватига икки тишли балик (лотинча аталлиши — дидон-хистрикс)дан тайёрланган захарни қўшадилар. Бу балик гўш-тида вукудга таъсир қилиш даража-си сионостида калайдан 500 бара-вар зиёд бўлган жуда кучли захар (тетраротоксин) мажхуридир. Қўрбон бўлувчининг бирданга нафас оли-ши тўхтади, танасининг сирти кў-қаради, кўз қарашида маъно ифодаси-ни йўқотади ва ўла бошлайди.

Оғу билан захарланган «зомби»лик овловчилар уни ҳаётга қайтариш мақ-садига ўлганнинг жасдини қабрдан ўғирлайдилар. Шу тариха жон киртил-ган мурда «зомби»га, яъни тирик мур-дага айланади, аммо ўз «Меннинг ан-гаш қобилияти унга асло қайтмайди. «Зомбини кўрганларнинг ҳисояларидега айтилишича, улар «рўпарга хира ва нурсиз кўзлари билан маъносиз қараб туравердилар».

Виктор КАНДИБА, академик,
ЮНЕСКО ҳузуридеги
Жаҳон ноанъанавий тиббиёт
уюшмаси президенти

нарқоз таъсирига берилган киши-нинг ахлоғига тушиб қолади. Шунга айтиш керакики, Дайвис-нинг ўзи «зомби»ни ҳеч қачон кўр-маган. Бироқ у салкам икки йил давомида гаитлик бир ҳодуғарга ача ақин мулоқотда бўлди. Жодугар ўзининг касб-қорига тааллуқли баъзи бир силаридадан уни воқиф қилди. Чунончи, мах-сус зомби талқонини тайёрлаш-да фугу балигидан унинг тарки-бий қисми сифатида фойдалани-лади. Бу талқонни «маъбу Вуду-нинг муқаддас қонунларини буз-ганларга» беришган.

Тажрибали дорихунослар, жум-ладан, Но-Иорк дорилфунунинг Тиббиёт марказида жаноф Као тет-ротоксин олдани ўлимига яқин ҳо-латта олиб келиди, баъзан эса хал-лоқ қилиши мумкин, деб ҳисоблай-дилар. Дарвоқе, бу олим «фугу»дан тайёрланган таомлар Японияда йилга ҳеч бўлмаганда эзлаб ўлим хавфини солу-чи захарлиниларга сабабчи, деган фик-рни билдиради.

ЗОМБИ

оломон ўраб олганча, паст овозда ўз наволарини қўлай бошлади. Улар тобора тез ва баландлатиб қўйлаш-ди ва ҳадемай фарё солишга ўтиш-ди. Марҳум товушлари ишитаётган-дек туюларди. Аинан худди шундай бўлиб чиқарди, мен қандай ҳолга тушганимни билсангиз эри!

Марҳум титроқ қўли билан қў-сини сийпагани ва ёнбошлаб олди. Атрофдаги занжирларнинг қийқири-лари ёппасига кўтарилган дод-фарёдларга қўшилиб кетди. Ниҳоят узала тушиб ётган одам ўзига эрк бермаётган оёқларини йиғиштириди ва оҳиста эмалган қўли қад рост-лашга ўтди, унинг ҳалигача қўл-қў-лари катта очилганди ва киприк қо-мағана менга боқиб турарди.

Бу сатрлар марҳумни тириштириш маросими бўйича Дагомея занжир-ларининг амалда қўлланган тажриба-ларини кузатган америклик савҳатчи-ҳажимга тегишлидир. Маълум бўли-шча, маданияти қўли даражадаги халқларнинг мистик амалиётинида ўлими тириштириш қарий одатдаги ҳол экан. Шуниси борки, бу маро-сим фақат ўз ишининг устаси бўли-ши руҳоний қийшига ишониб топ-ширлади. Ватандош руҳонийларид-мидан бири чет кишиларнинг куза-тилдан панада ашадийдан ҳинд қа-биласи орасида кўп йиллар ишла-ган ва жонинг ўлгандан кейинги аҳоли руҳиясига мадд бериш мақ-садига ўтказилган «рланга» мар-осимининг гувоҳи бўлган. Воқеа Ти-бетнинг бон ибодатхоналаридан би-рида бўлиб ўтган (бон—Тибетде буд-давийлик кириб келгунга қадар расм бўлган диний қарашлар тизими). Бу-тун халойик — яқин қишлоқлар аҳли, роҳиблар, қавму қариндошлар майитни бош ибодатхонанинг ҳов-лисига келтириб қўйдилар. Майит рўпарасида лама «милуфур» ҳо-латда жойлашиб ўтирди. Ҳамма-ҳам-маси тўла суқнатда баҳо келтирил-ди. Бироз вақт ўтгандан сўнгра мар-ҳум оёққа қалқа бошлади. Қўзлари ҳамон омилган бўлиб, мурданамо ози ўзгармай қолганди. Автоматта ўшаб ҳаракатланарди, ётган жойи-ни уч бора айланиб чиқди ва туйсу-дан дафт этилишга шай бўлиб, қи-мир этмай қолди.

Лекин бундай ўйонган марҳум-нинг тирилиш амали туғатгандан кейин яна қайтадан ўлимоғи шарт эмас. Махсус усуллар билан у ақл-нинг маълум бир босқичида қолди-рилиб, оддий ҳаётнинг вазифани адо этиши ва бошқа ишонинг хоҳиш-родосига бўйсуниб, темир одам (робот)дек ҳаракат қилиши мумкин.

Тадқиқотчилар Гаитида вужуд-га келган «зомби»лардан фойда-ланиш, шунингдек, ўлиқларни ти-риштириш тажрибалари ҳақида мана бундай ҳикоя қиладилар: бу тажриба «вуду» қоҳиллари ва ҳо-зирги Дагомеядан чиққан қор-қуллар насли томонидан олиб ке-линган. «Зомби»га айланатириш

Гаитида уч йил бўлган тадқиқотчи-нинг кузатилиши қараганда «зомби»лик олдидадан ача кучли ва йирик одам-ларни танаб, итоткор қўл сифатида фойдаланиш учун уларни ҳаётга қайта-раддилар. Маҳаллий аҳоли «зомби»га эрилиб қолишдан шунчалик қўрқад-ларки, улар дафн маросими маҳалида марҳумни ўғирлашаслик ва уни ҳаётга қайтармасликни қафолатлайдиган бир қатор тадбирларни амалга оширадилар.

Гаитидаги «зомби» маросими Авст-ралиянинг түб аҳолисида ҳозиргача

Улим даражасига олиб боради-ган мейёрда тетротоксинни қабул қилган қўрбонларнинг нафас олиши сустлашади ва тез орада умумий фа-лаҳ ҳолати бошланади. Оғунинг ача қач мейёри ҳам шунга ўхшаш аломатни ўғирлашда келтирилади, аммо одам яшаб қолади ва фалаж бўлга-нига қарамай, ҳатто эс-қўшини ҳам тамоман йўқотмайди, табиқий, бош-қа одамлар билан мулоқотга кири-ша олмайдди, албатта. Зиддизахар маҳалмини қабул қилганидан сўнғ у соғлиғига пулур етмагандан холда ту-залади.

Гаити ҳодисасининг галати та-биати ҳақидаги дорихунослик фаз-рази умуман ана шундайдир. Аммо Дайвиснинг михолифлари бу таъхир-нинг тўғрилигини таъдиқловчи таж-рибага асосланган маълумотлар йўқ-лиги учун уни етарли даражада ишонили деб санайдилар. Дайвис жаовб тарихисидега асос қилиб (тў-ри, шажсий суҳбатни далил ўрнида қўллаб), Но-Иорк қасоначаларидан бирининг ҳодиси Леон Роизининг ахборини келтирди. Л. Роизан кўп-дан буюн турли-туман дориларнинг инсон ва ҳайван асаб тизимига таъсирини тадқиқ этиш билан шу-ғулланарди. У 1962 йили Дайвис юборган толқон билан қаламуш ва маймуларни устидега тажриба ўтказиб келди. Тетротоксин қўйилган ва-қатни еган жониворлардан баъзи бирлар қоматоз ҳолатига тушиб, бир кеча-кундуз давомида шол бўлиб қо-лишди. Сўнгра улар тезда соғайиб кетишди ва захарлангандан бирор асорат қолгани кузатилмади.

«Афтидан», «зомбининг бундай натижа беравериши унчалик кўп уч-рамайди», — деб ҳисоблайди Дайвис. — Гаити жодугарларидан жуда аниқ ва муайян микродозда тетроток-син микдорини қўйиш талаб этила-ди: оғунинг мейёри махсус сарҳуш-лик ҳолатига тушириб, ҳалок этади-ган даражага бормаслиги керак. Шундай қилиб, «ўлиқи тириштириш» маҳаллий жодугарларнинг таъсири ва устулғини мустаҳкамлайди».

Илмий фараз муаллифининг таъкидлашича, «зомби талқонини тайёрлаш асосида жодугарларнинг ёрдамчилари муҳофаза қораларни кўридилар: бурунларини пахта тўкиб бекитдилар, қалин телпах ва дағал матоддан тикилган либос-ларни қўйиб оладилар. Агар ёр-дамчилар ҳимоя воситасисиз иш-ласалар, уларга зиддизахар мал-ҳами берилади.

Шу тариха, Дайвис фаразига қўра, «тирилган» Клервус Нарсиз бошқа «зомби»лар мисоли — орол-даги «Вуду маъбуд руҳонийла-рининг» худратини мустаҳкамлаш бўйича Гаити маҳаллий ишларидан фақат биргина далолатдир, холос.

Лекин Вайд Дайвис мухолиф-лари биринчи навбатда дориху-нослик ҳосилдаги тажрибаларни яна давом эттирилишини тала-б қилмоқдалар.

Русчадан Мурод ХИДИР таржимаси

Қадим бир юртда кур-гоқчилик узоқ давом этиб, ҳамма нарса сув-сизликдан қуриб-қовжи-раб, тутдай тўқилаверган экан. Одамлар-нинг кўнглини о ч а р ч и л и к қайғуси босиб, қаттиқ ташвиш-га тушибдилар. Шунда юрт оқ-соқолларининг

лигидан изтироб чекиб, анча уйланиб қолибди. Лекин подшоҳнинг амри во-жиб. Ахийри соддадил чў-пон худога «Эй худойим, не

ЧЎПОННИНГ НАМОЗИ

маслаҳати билан подшоҳ ҳаммади дуо ўқиб, ибо-дат қилишга буюриб, ҳар томонга жар солдириб-ди.

Узоқ ва кимсасиз яйловда бир ёлғиз яшайдиган чўпон бўлиб, унинг ҳеч ким билан иши бўлмас, эртадан кечгача қўй-қўзиларга овуниб кун кечира экан. Жарчилар-нинг хабарини эшитиб, намоз ўқийшни билмаган-дан, саводи ҳам йўқ-

гуноҳим бўлса ўзинг кечир, не қилсанг ҳам худо деб юрган қулингман, намозга йиқилмасан навқарлар ме-ни қўйишмайди. Раҳм-шафқат фақат сенданур», деб нола қилибди. Ва ҳар намоз вақти «Оқ қўйнинг қалласи, — қора қўйнинг қалласи, мен ҳам бир ху-донинг бандаси» деб тиз қўчи сажда қилаверибди. Алқисса, шу чўпон бир мул-ланинг хаёлидан ўтибди, «намозни билмасди» деб

ундан хабар олгани ке-либди.

Мулла бу ҳол-ни кўриб «Сен қаттиқ гуноҳга ботибсан, қўй, ундан кура ўқи-ма» дебди. Мулла йўлда кетаё-тиб осмондан бир нур ёғилаётганини кўриб-ди, қараса нур чўпон-нинг яғринига тўқилиб турганмиш. У дарров орқасига қайтибди ва чўпонга «сенинг намоз-инг тўғри экан, мен ҳам шундай ўқийман», дебди ҳовлиқиб. Икко-ви бир намозга йиқи-либдилар. Шунда чў-понга нур, мулланнинг яғринига тош ёққан экан...

ДИЛОРОМ



Онасининг боласи — бузоқларнинг олasi



Қичқир хўрозим, дунё уйғонсин!

Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАҒУРОВ

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 0168. Сотувда нархи эркин. Ҳажам 2 босма табоқ. Саҳифаловчи: Холида ИСМОИЛОВА. Газета IBM компютеридега терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти 19.40

Манзилимиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси — 32. Телефон 133-50-18. «Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмаҳонаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй Навбатчи — Холли НОРБОВ